



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## **THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS**

**Nodir Karimov**

*Director of Oriental Culture and Heritage Research Center  
at Tashkent State University of Oriental Studies  
Tashkent, Uzbekistan*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Central Asia, “Islamic renaissance”, IX-XII centuries

**Received:** 14.06.22

**Accepted:** 16.06.22

**Published:** 18.06.22

**Abstract:** IX-XII centuries remained in the history of Central Asia as a period of advanced science, ie the first renaissance (“Islamic renaissance”). The factors that led to the Islamic Renaissance are interpreted differently. Most local scholars acknowledge that the Central Asian region has long been a cultural hotbed, where the history of statehood has evolved. This article explains how foreign researchers assessed the Central Asian renaissance of the IX-XII centuries, and what they cited as the reasons for this.

## **IX-XII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ХОРИЖ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ НИГОХИДА**

**Нодир Каримов**

*Тошкент давлат шарқиунослик университети ҳузуридағы  
Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиши илмий-тадқиқот маркази директори  
Тошкент, Ўзбекистон*

### **МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, “Ислом ренессанси”, IX-XII асрлар

**Аннотация:** IX-XII асрлар Марказий Осиё тарихида илм-фан ривожланган, тараққий этган давр яъни биринчи ренессанс (“Ислом ренессанси”) сифатида қолган. “Ислом ренессанси”ни вужудга келиш омиллари ҳар хил талқин қилинади. Аксарият маҳаллий олимлар Марказий Осиё худудлари қадимдан маданият ўчоғи бўлганилиги, бу ерда давлатчилик тарихи тадрижий ривожланиб борганлигини эътироф этади. Ушбу мақолада эса IX-XII асрлар Марказий Осиё ренессансига

хорижлик тадқиқотчилар қандай баҳо берганлиги, бунинг сабаблари сифатида нимани кўрсатганлиги очиб берилган.

## СРЕДНЕАЗИАТСКОЕ ВОЗРОЖДЕНИЕ IX-XII ВЕКОВ ГЛАЗАМИ ЗАРУБЕЖНЫХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ

**Нодир Каримов**

*Директор научно-исследовательского центра изучения восточной культуры и наследия в Ташкентском государственном университете востоковедения  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Средняя Азия, «Исламский ренессанс», IX-XII вв.

**Аннотация:** IX-XII века остались в истории Средней Азии периодом передовой науки, т.е. первым ренессансом («исламским ренессансом»). Факторы, приведшие к Исламскому Возрождению, интерпретируются по-разному. Большинство отечественных ученых признают, что центральноазиатский регион издавна был культурным очагом, где постепенно складывалась история государственности. В данной статье объясняется, как зарубежные исследователи оценивали центральноазиатский ренессанс IX-XII вв. и что они приводили в качестве причин этого.

### КИРИШ

Араблар томонидан Мовароуннаҳр ҳудудларини истило этилиши талай хорижий тадқиқотларда батафсил баён қилинган. Хусусан, Журжи Зайдон, Россин Гиб, Василий Бартолд, Рене Гроссе, Синор Денис, Павел Булгаков, Сочек Сват, Ира Лапидус, Кенниди Ҳю ва Стар Фридериклар ишларида арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши, бошқарув тизими, мустақил давлатларнинг тузилиши сингари масалаларга алоҳида мавзулар ажратилган. Масалан, Кенниди Ҳюнинг “The Great Arab Conquests: How the Spread of Islam Changed the World We Live In” номли китобида Марказий Осиёни араблар томонидан истило этилишига еттинчи ва саккизинчи боблар ажратилган. Еттинчи боб “Амударёни кесиб ўтиш” деб номланган бўлиб, *Мовароуннаҳрни* эгаллаш тўрт босқичда амалга оширилгани қайд қилинган. 650-705 йилларда араблар асосан хужум қилиб, қиш мавсумидан олдин Марвга қайтиб кетишган. Иккинчи босқич 705-715 йилларда Қутайба ибн Муслим Тоҳаристон, Соғд, Хоразм ҳудудларини эгаллаб, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида араб ҳарбий гарризонларини жойлаштирган. 716-737 йиллар, яъни учинчи босқичда турклар ва уларнинг иттифоқчилари бўйсундирилган. 737-751 йилларда Асад

ибн Абдуллоҳ ва Наср ибн Сайёрлар араб халифалиги худудларини кенгайтириш ишларини давом эттирган ва араблар ҳокимиятини тан олган маҳаллий ҳукмдорларни ўз лавозимида қолдирган.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Халифалик эгаллаган худудларда араб тили ва ислом динини кенг тарғиб қилган. Гарчи умавийлар даврида бу жараён секин кечган бўлсада, аббосийлар ҳукмронлиги йилларида тезлашган. Рене Гроссенинг ёзишича, умавийлар ғайри арабларни иккинчи тоифа ҳалқ сифатида ҳисоблаган ва шу сабабли Ўрта осиёлик кам сонли сўғдларгина араб тили ва ислом динини ўзлаштирган. Аббосийлар эса ғайри араблар ҳуқуқларини тенглаштирган ва ислом дини Ўрта Осиёда кенг ёйила бошлаган. Араб халифалиги даврида Ўрта Осиёни Тоҳирийлар (821-873), Саффорийлар (873-904), Сомонийлар (875-999), Ғазнавийлар (977-1186), Қораҳонийлар (999-1212) ва Хоразмшоҳлар (1077-1231) каби сулолалар бошқарган. Салжуқийлар (1033-1300) XII асрнинг бошларига келиб, бугунги Ўрта Осиё ҳудудини бутунлай ўз назорати остига оладилар. Аксарият араб халифалари ва маҳаллий ҳукмдорлар илм-фанга хурмат билан қараб, уни ривожлантиришга ҳаракат қилган ва дунё тарихида ислом маданиятининг “олтин даври” вужудга келган. Адабиётларда бу жараён VIII-XIV асрларда юз берганлиги қайд этилган. Бу давр баъзида “ислом ренессанси”, “мусулмон ренессанси” ёки “уйғониш даври” ҳам деб аталади. Вартан Григориан бу аср бошланишини аббосий халифа Ҳорун ар-Рашидинг “Байт ал-Ҳикма”га асос солиши, бу даргоҳда турли минтақадан келган олимлар йиғилгани, дунёнинг классик илмлари араб тилига таржима қилингани билан боғлаган. Гарчи айрим олимлар бу давр XV-XVI асргача давом этганлигини таъкидлашсада, ислом маданиятининг “олтин асли” мӯғуллар томонидан Бағдодни истило қилиниши билан якунланган деган фикр кўпроқ оммалашган. Маълумотларга қараганда “олтин давр” атамаси биринчи марта 1868 йил Жосиас Лесли Портер томонидан ишлатилган. Хорижлик мутахассислар “мусулмон ренессанси”нинг бир қанча сабабларини келтирган.

Биринчиси аксарият тадқиқотчилар Қуръони Карим ва ҳадисларни ислом ренессанси”нинг асоси сифатида эътироф этган. Хусусан, Грозд Ҳанс, Ҳамид Насим, Абдус Салам, Жонатан Беркий, Шамшир Али, Ричард Мартин, Робер Бриффолт, Низал Жиссум, Ира Лапидус, Ҳаллақ Вейил, Старк Роднийлар ишларида “олтин давр”нинг вужудга келишида ислом дининг мўътабар манбалари Қуръони Карим ва ҳадислар муҳим рол ўйнаганини, айнан улар таълим олиш, илм излашга унdagанини, мактаб ва мадраса фанлари шу манбаларга биноан тузилганини қайд қилишган.

Бизнинг фикримизча ҳам Қуръони Карим ва ҳадислар ислом ренессансида муҳим роль ўйнаган. Масалан, Қуръони Каримнинг 750 жойида илм олишга ундовчи бандлар бўлиб, унда илм излаш мусулмонларнинг муҳим вазифаси сифатида белгиланган. Шунингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) илм ва илм аҳлларининг фазилати ҳақида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, “илмни Чинда (Хитойда) бўлса ҳам ўрганинглар”, деб таълим бергани ислом тамаддунининг асоси бўлиб хизмат қилган. Тўғри ва тизимли диний ва дунёвий таълим сабаб ўша даврда мусулмонлар Ғарбдан анча ўзид кетган дея ишонч билан айтоламиз. Мазкур фикрларни тасдиғи Робер Брифолт, Абдус Салом ва Низал Жиссумларнинг ишларида учрайди. Яъни, улар Ибн ал-Ҳайсом, ал-Беруний, Ибн Синоларнинг илмий қашфиётлари замирида Қуръони Карим ётганлигига урғу беришган. Жонатан Беркий эса IX-XIII асрларда таълим ёшлиқдан Қуръон ва араб тилини ўрганишдан бошланганини, кейинчалик баъзи талабалар тафсир ва фикҳ илмини эгаллаганини, таълим кўпроқ ёдлашга асосланганини, иқтидорлilari қўллэзмаларни кўчиришга жалб қилинганини ҳамда турли уламолар маъruzalariда иштирок этилгани таъкидланган.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръони Карим ва ҳадислар IX-XIII асрларда вужудга келган “мусулмон ренессанси”нинг энг муҳим омили бўлган деб айтоламиз. Зеро, айнан шу икки манбалардаги илм эгаллаш ва уни бошқаларга етказишга оид даъватлар ислом цивилизациясини вужудга келтирадиган куч бўлиб хизмат қилди.

Фикримизча, ўша даврда вужудга келган илм-фандаги тараққиётнинг навбатдаги муҳим омили бу илм эгаллаш ва уни улашиш тизимининг тўғри ташкил этилганлигидир. Бу жараёнда мактаб ва мадрасалар фаол иштирок этган. Дастрлабки илмлар VIII-IX асрлардан бошлаб фаолият юритган мактабларда ўзлаштирилган. ЮНЕСКО ташаббуси билан чоп қилинган “The Age of Achievement” номли китобда Ибн Синонинг “Таълимда ўқитувчининг роли ва бола тарбияси”, ал-Ғаззолийнинг “Кимя-йи саъадат”, Бурхониддин Зарнужийнинг “Таълим ал-мутаъаллим ат-таъаллум”, Носириддин ат-Тусийнинг “Ахлоқи Носирий”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий” номли асарларига таянилган ҳолда ислом дунёсидаги мактаблар ва уларда ўқитиладиган фанлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Унга кўра, масалан, Ибн Сино мактаб таълимини икки босқичга ажратган, болаларнинг 6 ёшдан 14 ёшгacha оладиган илмлари биринчи босқич бўлиб, бу даврда уларга Қуръони Карим, араб тили, адабиёт, ислом фалсафаси ва одоби ўргатилган. Иккинчи босқичда болалар қизиқишлирига қараб ўқиш, хунармандчилик, адабиёт, хаттотлик, тиббиёт, геометрия, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларга йўналтирилган. Абдулло

Мирбобоевнинг ёзишича, Ибн Сино болаларнинг қизиқишига алоҳида эътибор беришга чақирган.

Ислом оламида X асрлардан бошлаб расмий мақомдаги олий диний институт – мадрасалар фаолият юрита бошлаган. Улар тезда мусулмон ўлкаларда оммалашиб, хилмажил маданиятли халқларни ўзида бирлаштирган. Ўқиш ниҳоясида талабалар расмий диплом – “ижоза” билан тақдирланган. Ира Лапидус ва Жонатан Портерлар мусулмонларда мадрасалар асосан эркаклар учун очиқ бўлганлигини, аёллар аксарият ҳолларда хусусий таълим муассасаларида илм олганлигини, уларга ҳам ҳадисшунос, хаттот ва ҳофиза сингари “ижоза”лар берилганини қайд этган.

Ира Лапидус ва Ҳаллақ Вейил ёзишича, мадрасаларда дастлаб фикҳ илми ўргатилган, кейинчалик диншунослик, мантиқ, тарих, мусиқа, этика, кимё, астрономия, тиббиёт ва математика фанларидан ҳам дарслар ўтилган. Аксарият ҳолларда фанлар мадраса асосчиси томонидан белгиланган ва улар диний ва дунёвий илмларни қамраб олган. Илмда кўпроқ устоз-шогирдлик анъаналари устунлик қилган. Арнолд Грин ва Сеййид Ҳуссейин Насрлар фикрича, X асрдан бошлаб аксарият мусулмон мадрасалари университет даражасига чиқкан. Аммо, Жорж Макдиси, Тобби Ҳафф, Норман Даниел мазкур фикрни инкор қилиб, ўрта аср мусулмон мадрасалари бугунги Европа университетларидан буткул фарқ қилганлигини, уларда Қуръон Карим асосий дарслик сифатида ўқитилиб, фанлар ислом илмларига асосланганлигини таъкидлаган.

“The Victory of Reason: How Christianity Led to Freedom, Capitalism, and Western Success” номли китоб муаллифи Старк Родний ислом дунёсининг XV асрдан бошлаб Фарбдан ортда қола бошлаганлигида ислом уламоларини айبلاغан. Унинг фикрича, ислом олимлари илм-фан билан ҳамоҳанг ҳаракатланмаган. Қуръони Каримга ёзилган тафсирларда асл моҳиятдан узоқлашиш ҳоллари кузатилган. Масалан, табиат қонунларини ўрганишни мусулмон уламолари куфрга чиқара бошлаган.

Исломшунос олим Саййид Қутб эса илм-фан ҳақиқий мусулмон жамиятида гуллаб-яшнаши кераклигини, аммо аксарият ислом давлатларида шариат қонунларига амал қилинмаганлик оқибатида илм таназзулга юз тутаётганлигини таъкидлаган.

Фикримизча, ҳақиқатдан IX-XII асрлардаги тараққиётда диний ва дунёвий таълим тизимли йўлга қўйилганлиги алоҳида аҳамият касб этган. Тўғри ташкил этилган таълим ҳар қандай давлатни ривожланишида муҳим роль ўйнаётгани бугунги кунда ҳам кузатилмоқда.

Адабиётлар таҳлилидан “ислом ренессанси” кўп жиҳатдан ҳукмдорлар эътибори билан ҳам боғлиқ бўлганлиги хulosса қилиниши мумкин. Аббосийларда ал-Мансур, Ҳорун

ар-Рашид, ал-Маъмун, Марқазий Осиёда сомонийлар, қорахонийлар, темурийлар каби сулолалар ҳақиқий илм-фан ҳомийлари сифатида тарихда қолган. Дмитри Гутас, Жим ал-Халилий, Бринжес Сонялар ислом маданияти “олтин” даврини ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмунларнинг илм-фанга эътибори ва ислоҳотлари билан боғлайди. Улар томонидан “Байт ал-ҳикма”нинг ташкил этилиши, у ердаги кўп сонли таржимонларнинг самарали меҳнати, турли тажрибалар ўтказишга яратилган шарт-шароитлар йирик мувафаққиятларга сабаб бўлган. Хусусан, Фифагор, Платон, Аристотел, Гиппократ, Галиен, Чарака, Браҳмагупта сингари олимларнинг асарлари таржима қилинганини, Мусо ал-Хоразмий “Китоб ал-жабр” орқали алгебра фанига асос солганини, математик ва физик Қуста ибн Луқа, файласуф ал-Кинди, астроном Собит ибн Курра, таржимон Ҳунайн ибн Исҳоқларнинг фаолиятини эслаб ўтиш кифоядир. Юқоридаги халифалар олимларни доимий моддий рағбатлантириб турган. 819-999 йилларда Мовароуннаҳр ва Ҳурсонда ҳукмронлик қилган сомонийлар ҳам илм-фан рағбатида Бағдод билан рақобатлашган. Н.Н.Негматов сомонийлар диний ва дунёвий илмларга бирдек эътибор қаратганлигини, тил ва адабиётда форс тилини устун қуйганлигини қайд этган. Аксарият тадқиқотларда Рудакий, Фирдасий, Дақиқий, Ибн Сино, ал-Беруний сингари олимлар сомонийлар томонидан яратилган шарт-шароитлар самараси эканлигига урғу берилган.

Тўртинчи “ислом ренессанси”га олиб келган муҳим сабаблардан бири бу – хилмачил ҳалқлар илмий мероси ва қарашларининг ягона мақсад йўлида бирлаштирилишидир. Масалан, Вартан Григориан мусулмонлар истило қилган ҳудуднинг илм-фанига ҳурмат билан қарагани, юнон, форс, ҳинд, хитой, миср, финикиянинг нодир асарлари араб тилига ўтиргани, кейинчалик араб тилидан турқ, яхудий, лотин тилларига таржима қилингани жаҳон цивилизациясига қўшилган катта ҳиссадир деб таъкидлаган. “*Islamic Science and Engineering*” номли китоб муаллифи Ҳилл Доналд таржима масаласида христиан (шарқий несторианлик) олимлари сермаҳсул меҳнат қилганлигини эътироф этган. Яъни, улар умавийлар ва аббосийлар даврида юонон манбаларини араб тилига ўтирган. Шунингдек, христианлик вакилларининг ислом маданияти “олдин даври”га қўшган ҳиссаси Рашид Рошди, Ҳуссейин Аскарий, Оълерий Деласий, Анна Контадини, Ненсий Сираиси, Бистон Алфредларнинг ишларила муҳокама қилинган. Ушбу муаллифлар Ҳусайн ибн Исҳоқ, Собит ибн Курра, Юсуф ал-Хурий, ал-Ҳимсий, Қуста ибн Луқа, Юҳанна ибн Мосавайх, Жабрил ибн Бахтишу сингари олимларнинг фалсафа ва аниқ фанларда амалга оширган мувафаққиятли ишларини таҳлил қилган.

“Ислом ренессанси”ни Мовароуннаҳр ва ҳурсонлик олимлар ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жоиз бўлса, улар халифалик таркибидағи ҳар қандай ҳалқлардан кўпроқ

хисса қўшган. “Байт ал-ҳикма”да Марказий осиёлик олимлар фаолиятини тадқиқ этган Баҳром Абдуҳалимов ушбу даврга қўйидагича таъриф берган: “IX-XI аср мусулмон маданиятидаги умумий маданий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хурросон олимлари ижодида ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Эллинистик даврнинг охирларида фан ва маданият ўчоғи Мисрнинг Искандария шаҳрига тўғри келса, мусулмон маданиятининг “олтин даври” ҳисобланган IX-XI асрларда фан ва маданият ривожи Хурросон ҳамда Амударёнинг ортидаги ўлка - Мовароуннаҳрга ёки замонавий истилоҳ билан айтганда, Ўрта Осиёга кўчиб ўтди. Ўша даврларда Ўрта Осиёдан Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад ал-Фарғоний (таҳ.798-865), Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Абу Наср ал-Фаробий (873-950), Абу Райҳон ал-Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1037), Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1114) каби йирик алломалар етишиб чиқдики, уларнинг беназир акл-заковати она замин довруғини оламга ёйди, номлари эса тарих зарвақларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди. Мазкур алломаларнинг кўпчилиги, ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий, илмий шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда араб халифалари, уларнинг ноиблари ёки лашкарбошилари бошқарган халифаликнинг турли шаҳарларида яшаб, ижод этган. Лекин уларнинг аксарияти олим сифатида ўз ватанида шаклланган. Бу эса Ўрта Осиёда зарурий илмий муҳит ва шароитларнинг мавжуд бўлганидан далолат беради. Халифалик таркибига биринчирилган мамлакатларнинг иқтисодий ва маънавий салоҳияти арабларнига қараганда юқори эди”.

Левис Бернард, Ҳенрий Корбин, Ҳўжа Жамил Аҳмад, Жон Макжиннис, Крамер Жоел, Адам Мец, Ломбард Марайс, Сон Тамара, Жозеф Мери сингари тадқиқотчилар Хурросон ва мовароуннаҳрлик олимларнинг ислом цивилизациясидаги ўрнини кенг таҳлил қилган. Улар ишларида Хурросон ва мовароуннаҳрлик олимлар ислом тамаддунига маънавий, сиёсий ва диний жиҳатдан муҳим ҳисса қўшганлигини, шеърият, тиббиёт, фалсафа сингари соҳаларда етакчи бўлганлигини, ушбу ҳудудларда ислом динига қадар турли илм тармоқлари ривож топганлигини, IX-XIII асрларда шаклланган юзлаб олимлар Фарб тараққиётига ҳам самарали таъсирини эътироф этишган. “Эронинг Кембриж тарихи” китобида ёзилганидек, аксарият фикҳшунослар, муфассирлар, мутасаввуфлар ҳамда энг машҳур муҳаддислар Хурросон ва мовароуннаҳрлик бўлишган. Ўрта асрлар олими Ибн Халдун фақатгина ушбу ҳудуд алломаларида илмни сақлаш ва тизимли таҳлил қилиш ҳаракат учрашини қайд этган.

Аксарият тадқиқотчилар Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларидан бу каби алломалар чиқишини исломгача узлуксиз давом этган ривожланиш билан боғлашган. Масалан, А.Ҳ.Зарринкўб, Абдулмуҳсин ал-Ҳусайнӣ, Абдулфаттоҳ Барака, Франсиз

Ричард, Самир Дажаний, Тақи Усмоний, Сийед Надви ишларида ушбу минтақанинг исломгача бўлган маънавий қиёфасига кўпроқ эътибор берилган. А.Ҳ.Зарринкўбнинг сўфиийлик тарихига бағишланган ишида Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақаларида ислом динига қадар зардуштийлик, буддавийлик, монийлик каби дин ва диний таълимотлар мавжуд бўлганлиги, ислом дини маҳаллий аҳоли учун бутунлай янгилик сифатида қабул килинмаганлиги, Хуросон минтақасида ислом дини тезда ўзлаштирилиб, мусулмон маданиятининг “олтин даврига” асос солинганлиги ёзилган.

Мисрлик олим ал-Ҳусайнин Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида ислом динига қадар хилма-хил ғоя ва қарашлар ёнма-ён яшаб келганлигини, кейинги даврларда бир-биридан фарқли диний назариялар ўртасида низолар кузатилганлигини қайд этган. Шунингдек, ал-Ҳусайнин бу ҳудудда турк, хинд, форс, араб ва бошқа халқлар яшаганлигини, ислом дини ёйилгач мавжуд бўлган турли қарашлар ислом тафаккури билан янада такомиллашиб, мусулмон ўлкаларига тарқалганлигини қўшимча қилган. Яъни, муаллифнинг холосасига кўра, Мовароуннаҳр савдо ва стратегик жиҳатдан турли ғоялар, маданиятлар учрашадиган жой бўлган.

Ал-Жиyoшийнинг ёзишича, Мовароуннаҳр ҳудудида мавжуд бўлган хилма-хил диний қарашлар ислом дини кириб келганидан кейин ҳам халқнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий фикрлаш тизимида сақланиб қолган ва бу бир-биридан фарқ қилувчи мактаблар вужудга келишига сабаб бўлган. У фикрини исботи сифатида ислом дининг энг буюк мухаддислари ад-Доримий, ал-Бухорий, Муслим, Абу Исо Термизий, Ибн Можа, Абу Довудлар ҳамда маломатийлик, кароматийлик, нақшбандийлик, кубровийлик, яссавийлик сингари тасаввуфий таълимотларнинг ватани Хуросон ва Мовароуннаҳр эканлигини таъкидлаган.

“The Cambridge History of Iran” китобида ёзилишича, IX-X асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳр тасаввуфий қарашлар марказига айланган. Хусусан, “маломатия”, Шоҳ ал-Кирмонийнинг (ваф.310/922) “футтувват”, Саҳл ат-Тустарийнинг (ваф.283/896) “саҳлия”, Муҳаммад ибн Каррамнинг (ваф.255/869) “каррамия” сингари тасаввуфий ҳаракатлари вужудга келган бўлса, Ироҳим Адҳам (ваф.161/778) ва Ҳатим ал-Асамм (ваф.237.851) каби сўфий шайҳлар ўз қарашлари билан танилган. Шунингдек, мутазилийлар, хорижийлар, муржийлар, жаҳмийларнинг пайдо бўлиши ҳам Хуросон билан боғланади. Айниқса, ал-Ҳусайнин муржийлар, жаҳмийларни Термиз шаҳридан келиб чиққан деб ёзган. Аммо, сўнгги тадқиқотларга кўра мазкур адашган гуруҳларнинг Термиз билан боғланиши нотўғри деган холоса шаклланмоқда.

Аммо, адабиётлар таҳлил қилинганда мовароуннахрлик ёки Ўрта осиёлик олимларнинг аксарияти форс ва араб бўлганлиги ҳақида фикрлар кўпроқ кузатилди. Араб ва ғарб тадқиқотчилари наздида Имом Термизий, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Ибн Сино, ал-Фарғоний, ал-Беруний сингари даҳоларнинг ҳаммаси келиб чиқиши ё араб ёки форсдир.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, VIII аср ўрталарига келиб араб халифалигининг худудлари кенгайиб Хуросон ва Мовароуннахр худудларини ҳам қамраб олган. IX асрнинг бошларида халифалар ушбу худудларни маҳаллий ҳукмдорлар орқали бошқаришни маъқул кўра бошлаган. Шу сабабли Араб халифалиги даврида Ўрта Осиёни Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Фазнавийлар, Қораҳонийлар ва Хоразмшоҳлар каби сулолалар бошқарган. Юқорида кўриб чиқилган адабиётларда ёзилганидек, халифалар ва маҳаллий ҳукмдорлар илм-фан ривожида муҳим рол ўйнаган. Айниқса, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмун ва сомоний ҳукмдорлар олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган.

Хорижий адабиётлари тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилинганда “ислом ренессанси”га сабаб бўлган бир нечта йирик омиллар аниқланди:

- Куръон ва ҳадислар – мусулмонлар ушбу мўтабар манбаларга амал қилган ҳолда илм излагани, ислом дунёсида олим сиёҳи шаҳиднинг қонидан афзал кўрилгани;
- халифаликда олимлар ўзаро фикр алмашиши ва ўз билимларини ёш авлодга ўргатиш учун шароит яратилгани;
- ҳукмдорлар олимларни доимий рағбатлантириб тургани;
- қадимги юонон, рим, хинд, лотин, хитой илм-фанининг дурдоналари араб тилига таржима қилингани;
- ягона сўзлашув тили пайдо бўлгани;
- келиб чиқиши, дини, тили фарқли халқлар ягона мақсад йўлида бирлашгани дунё тарихида мусулмон маданиятининг “олтин даври” сифатида эътироф этилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. زیدان جرجی. تاریخ تمدن اسلامی. به فارسی ترجمه علی جواهر قلمی. تهران، سبیه. ۱۳۶۹هـ. - ۳۱۷ص
2. Gibb H.A.R. The Arab Conquests in Central Asia. – London: Royal Asiatic Society, 1923. – 126 p.
3. Barthold V. Turkestan Down to the Mongol Invasions, trans. H. Gibb. – London: Memorial Series, 1968. – pp.180-93
4. Grousset R. The Empire of the Steppes: A History of Central Asia. Rutgers University Press, 1970. – 114 p.

5. Denis S. The Cambridge History of Early Inner Asia, Volume 1. Cambridge University Press, 1990. – 504 p.
6. History of civilizations of Central Asia, Volume III: The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750. – Paris: UNESCO Publishing. 1996. – pp.207–231
7. Soucek S. A History of Inner Asia. Cambridge University Press, 2000. – 384 p.
8. Lapidus I.M. Islamic Societies to the Nineteenth Century: A Global History. Cambridge University Press, 2012. – 612 p.
9. Hugh K. The Great Arab Conquests: How the Spread of Islam Changed the World We Live In. – Philadelphia, PA: Da Capo Press. 2007. – 421 p.
10. Frederick S.S. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. Princeton University Press, 2013. – 696 p.
11. Hugh K. The Great Arab Conquests: How the Spread of Islam Changed the World We Live In. – Philadelphia, PA: Da Capo Press. 2007. – 421 p.
12. Hugh K. The Great Arab Conquests: How the Spread of Islam Changed the World We Live In. – Philadelphia, PA: Da Capo Press, 2007. – 421 p.
13. Grousset R. The Empire of the Steppes: A History of Central Asia. Rutgers University Press, 1970. – p.114
14. Bosworth C.E. The Tahirids and Persian Literature. – Iran, № 7, 1969. – pp.103-106.; Yar-Shater Ehsan. The History of al-Tabari. State University of New York Press, 2007.; Frye R.N. The Cambridge History of Iran. No.4, Cambridge University Press, 1999.; Palmer A. The Social and Theoretical Dimensions of Sainthood in Early Islam: Al-Tirmidhi's Gnoseology and the Foundations of Sūfi Social Praxis, Doctor of Philosophy (Near Eastern Studies). The University of Michigan. 2015. – p.35.; Bosworth C.E. The Ghaznavids: Their Empire in Afghanistan and Eastern Iran 994–1040. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1963.; Bosworth C.E. The Later Ghaznavids: Splendour and Decay, The Dynasty in Afghanistan and Northern India 1040–1186. – New York, Columbia University Press, 1977.
15. Saliba G. A History of Arabic Astronomy: Planetary Theories During the Golden Age of Islam, New York University Press, 1994. – pp. 256–57.; David K.A. The Astronomy of the Mamluks // Isis. 74, no. 4, 1983. – pp.531-55.; Al-Attas Sh.Sh. Islam and the Challenge of Modernity, Proceedings of the Inaugural Symposium on Islam and the Challenge of Modernity: Historical and Contemporary Contexts // International Institute of Islamic Thought and Civilization (ISTAC). Kuala Lumpur, 1994. –pp.351–99

16. Kraemer J.L. Humanism in the Renaissance of Islam. Brill Publishers, 1992. –p.1.;  
Минеев В.В. Введение в историю и философию науки: учебник для вузов. – Москва: Директ-Медиа, 2014. – С.325.
17. Gregorian V. Islam: A Mosaic, Not a Monolith. Brookings Institution Press, 2003. – pp.26–38
18. Saliba G. A. Ўша китоб. – pp. 256–57.; Al-Hassan A.Y., Ahmad M., Iskandar A.Z. Factors behind the decline of Islamic science after the sixteenth century // History of science and technology in Islam. 2001. Available via: <http://www.history-science-technology.com/Articles/articles>, 208.
19. Abbas T. Islamic Radicalism and Multicultural Politics. The British experience. – London and New York, Taylor & Francis, 2011. – p.9.; Cooper W.W., Yue P. Challenges of the Muslim world: Present, future and past (Vol. 19). Emerald Group Publishing, 2008. – 334 p.
20. Porter J.L. A Handbook for Travelers in Syria and Palestine. – London: John Murray, 1868, – p.49.; Said E.W. Orientalism (1st ed.). – New York: Pantheon Books, 1978. – 365 p.
21. Hans G. Population Dynamics in Muslim Countries: Assembling the Jigsaw. Springer Science & Business Media, 2012. – p.45.
22. Hamid Naseem R. Challenges to Religions and Islam: A Study of Muslim Movements, Personalities, Issues and Trends, Part 1. Sarup & Sons, 2007. – 1141 p.
23. Abdus S. Renaissance of Sciences in Islamic Countries. World Scientific Pub Co Inc, 1994. – p.9.
24. Richard C. Martin. Encyclopedia of Islam and the Muslim World. MacMillan Reference USA, 2004. – 1000 p.
25. The Qur'an: An Encyclopedia. – London and New York: Routledge, 2006. – 572 p.
26. Richard C. Martin. Encyclopedia of Islam and the Muslim World. MacMillan Reference USA, 2004. – pp.202-206
27. Briffault R. The Making of Humanity. G. Allen & Unwin Ltd.,1928. – pp.190–202
28. Guessoum N. Islam's Quantum Question: Reconciling Muslim Tradition and Modern Science. I.B.Tauris, 2010. – p.63
29. Lapidus Ira M. A History of Islamic Societies. Cambridge University Press (Kindle edition). 2014. – p. 210.
30. Wael H.B. An Introduction to Islamic Law. Cambridge University Press, 2009. – p.50.; Syed F.A. From Jami'ah to University: Multiculturalism and Christian–Muslim Dialogue // Current Sociology, no. 1, 2006. – pp.112–132

31. Rodney S. The Victory of Reason: How Christianity Led to Freedom, Capitalism, and Western Success. Random House, 2005, – pp.20–21
32. The Qur'an: An Encyclopedia. – London and New York: Routledge, 2006. – p.572
33. Richard C. Martin. Encyclopedia of Islam and the Muslim World. MacMillan Reference USA, 2004. – pp.202-206
34. Briffault R. The Making of Humanity. G. Allen & Unwin Ltd., 1928. – pp.190–202
35. Guessoum N. Islam's Quantum Question: Reconciling Muslim Tradition and Modern Science. I.B.Tauris, 2010. – p.63.
36. Asimov M.S., Clifford Edmund Bosworth. The Age of Achievement: Vol 4, – Paris: UNESCO, 2000. – pp.33–34
37. Lapidus Ira M. A History of Islamic Societies. Cambridge University Press (Kindle edition). 2014. – p. 210.; Jonathan Porter B. The Formation of Islam: Religion and Society in the Near East, 600–1800. Cambridge University Press, 2003. – p.227.
38. Lapidus Ira M. A History of Islamic Societies. Cambridge University Press (Kindle edition). 2014. – p. 210.; Wael H.B. An Introduction to Islamic Law. Cambridge University Press, 2009. – p.50.; Syed F.A. From Jami'ah to University: Multiculturalism and Christian–Muslim Dialogue // Current Sociology, no. 1, 2006. – pp.112–132
39. Arnold H. Green. The History of Libraries in the Arab World: A Diffusionist Model // Libraries & the Cultural Record, No. 4, – pp.459.; Hossein Nasr. Traditional Islam in the modern world. – London & New York: Kegan Paul International, 1990. – p.125.
40. Makdisi G. Madrasa and University in the Middle Ages // Studia Islamica, No.32 1970. - p.255-264.; Huff T. Rise of Early Modern Science: Islam, China and the West. 2nd ed., Cambridge, 2003. – p.179-185; Norman D. Review of The Rise of Colleges. Institutions of Learning in Islam and the West // Journal of the American Oriental Society, no 3, 1984. - p.586–588
41. Rodney S. The Victory of Reason: How Christianity Led to Freedom, Capitalism, and Western Success. Random House, 2005, – pp.20–21
42. Sayyid Qutb. Milestones Ma'alim fi'l-tareeq. – Birmingham: Maktabah booksellers and publishers, 2006. – pp.20-21
43. Gutas D. Greek Thought, Arabic Culture: The Graeco-Arabic Translation Movement in Baghdad and Early 'Abbasid Society (2nd–4th/8th–10th Centuries). Psychology Press, 1998. – pp.53–60
44. Al-Khalili J. The House of Wisdom: How Arabic Science Saved Ancient Knowledge and Gave Us the Renaissance. Penguin Publishing Group. 2011. – p.53.

45. Sonja B., Robert G.M. The Sciences in Islamic Societies (750–1800) // The New Cambridge History of Islam. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – 569 p.
46. Gutas D. – pp.53–60
47. Daniel L.E. History of Iran. Greenwood Press, 2001. – p.74.
48. Litvinsky B. A., Ahmad Hasan Dani *History of Civilizations of Central Asia: Age of Achievement, A.D. 750 to the end of the 15th-century*. UNESCO, 1998. – pp.77-92
49. Gregorian V. Islam: A Mosaic, Not a Monolith. Brookings Institution Press, 2003. – pp.26–38
50. Donald H. Islamic Science and Engineering. Edinburgh Univ. Press, 1993. – p.4
51. Roshdi R. Classical Mathematics from Al-Khwarizmi to Descartes. Routledge, 2015. – p.33.
52. Askary H. Baghdad 767–1258 A.D.: Melting Pot for a Universal Renaissance // Executive Intelligence Review. 2013. – pp.46-55
53. Delacy O. How Greek Science Passed On To The Arabs. – London: Routledge and Kegan Bank Ltd, 1949. – 748 p.
54. Contadini A. A Bestiary Tale: Text and Image of the Unicorn in the Kitab na't al-hayawan // Muqarnas, no.20, 2003. – pp.17–33.
55. Siraisi G.N. Medicine and the Italian Universities, 1250–1600. Brill Academic Publishers, 2001. – p.134.
56. Alfred B.F. Arabic literature to the end of the Umayyad period. Cambridge University Press, 1983. – p.501.
57. Абдухалимов Б. “Байт ал-хикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Б.8-9.
58. Bernard L. From Babel to Dragomans: Interpreting the Middle East. Oxford University Press, 2004. – p.44.
59. Corbin H. History of Islamic Philosophy 1st Edition. Kegan Paul; 1 edition, 2001. – 445 p.
60. Ahmad K. J. Hundred Great Muslims. Kazi Publications, 1987. – 572 p.
61. McGinnis J., Reisman D.C. Interpreting Avicenna: Science and Philosophy in Medieval Islam: Proceedings of the Second Conference of the Avicenna Study Group. – Leiden: Brill, 2004. – 263 p.
62. Joel L.K. Humanism in the Renaissance of Islam. – Leiden: Brill Publishers. 1992. – 362 p.

63. Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука, 1973. – 473 с.
64. Maurice L. The Golden Age of Islam. – Amsterdam: North-Holland, New York, American Elsevier, 1975. – 258 p.
65. Tamara S. A Brief History of Islam. Wiley-Blackwell; 2 edition, 2009. – 248 p.
66. Josef W. Meri. Medieval Islamic Civilization: An Encyclopedia. Routledge, 2005. – 1088 p.
67. Frye R.N. Cambridge History of Iran. Cambridge University Press, 1975. – p.480
68. Ibn Khaldun. Muqaddimah. – Franz: Princeton University Press, 1981. – pp.429–430
69. Zarrinkoob A.H. Persian Sufism in Its Historical Perspective // Iranian Studies. Volume 3, Issue 3-4, 1970. – pp. 139-220
- عبد المحسن الحسيني . المعرفة عند الحكيم الترمذى . القاهرة، دار الكاتب العربي، 1960. ص. 470.
- الفتاح برقة. الحكيم الترمذى والوظيفية الولائية. القاهرة ، 1971. ص.243.
70. 72. Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и ее значение в мировой цивилизации (на рус., англ. яз.). - Душанбе, 2016. Издательство: Дониш, – с.99.
73. Dajani Samer. Ibn ‘Arabi’s conception of Ijtihad : its origins and later reception. PhD Thesis. SOAS, University of London, 2015.– p.14.
74. Usmani M.T. Darse Tirmiziy. Karachi, 1983. – c.131
75. Nadvi S.H. The dynamics of Islam: an analysis of Islamic dynamism which has been operating in the structure of Islamic belief, its religio-political, socio-economic framework and cultural legacies. Durban, University of Durban-Westville 1982. – pp. 5-7
76. Saliba G. A History of Arabic Astronomy: Planetary Theories During the Golden Age of Islam. - New York: New York University Press, 1994. –pp. 245, 250, 256–57.; David K.A. *The Astronomy of the Mamluks // ISIS. № 4, 1983.* – pp.531–55
77. Zarrinkoob A.H. Persian Sufism in Its Historical Perspective // Iranian Studies. Volume 3, Issue 3-4, 1970. – pp. 139-220
- عبد المحسن الحسيني . المعرفة عند الحكيم الترمذى . القاهرة، دار الكاتب العربي، 1960 - ص 42
- عبد المحسن الحسيني - ص 39
80. Al-Geyoushi I.M. Al-Tirmidhi, his works and his opinions on Sufism.// University of London School of Oriental and African Studies. PhD diss.1970. – p.11.
81. The Cambridge History of Iran. V.4, – Cambridge: Cambridge University Press,1975. – 754 p.
82. Al-Geyoushi I.M. – p.14.
83. عبد المحسن الحسيني - ص 47

84. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи (Монография). – Т.: Yangi nashr, 2017. – 352 6.
85. Abdul Xoliq Laskar. The contribution of Persians to Islam during the Abbasid period (750-1258 A.D.): a critical study. PhD diss., Gauhati University, 2009. – 385 p.; Elissa Anne Bullion. Kinship and Religious Identities in Medieval Central Asia (8<sup>th</sup>-13<sup>th</sup> c. CE): Tracing Communities of Mortuary Practice and Biological Affinity. PhD diss., Washington University, 2018. – 244 p.; Frye R.N. Cambridge History of Iran. Cambridge University Press, 1975. – 697 p.
86. Falagas M.E., Zarkadoulia E.A., George S. Arab science in the golden age (750–1258 C.E.) and today// The FASEB Journal. No.10, 2006. – pp.1581–86